



НЕМИС ТИЛИ ИЛОВА КОНСТРУКЦИЯСИ ТАРКИБИДАГИ ИЛОВАЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ФУНКЦИЯЛАРИ

Мамасолиев Икром Убайдуллаевич,

Самарқанд давлат чет тиллар институти стажёр-тадқиқотчиси

Калит сўзлар: илова конструкция, иловали элемент, стилистик функция, матн, экспрессивлик, эмоционаллик, компонент, асосий ифода, стилистик фигура, лисоний бирлик.

Маълумки, стилистика фани тил элементларининг контекстадаги ифодали тасвир воситалари имкониятлари – стилистик функцияларини ёритиб беришга хизмат қилади. Стилистик функция тил воситаларининг матнда ифодали тасвир этиш имкониятларини намоён қилиш орқали амалга оширилади, бу ерда матн мантикий мазмунини етказиб бериш билан бирга унда экспрессив, эмоционал, эстетик ахборотнинг етказилиши, таъминланиши зарурлиги таъкидлаб ўтилади. Демак, стилистика тил воситалари бутун системасининг экспрессив хусусиятларини, мазкур матнда фикрлар ва ҳис-туйғуларни ифодалашда уларнинг фаоллиги ва ўзаро муносабатларини, матннинг китобхонга ғоявий таъсиридаги ролини тадқиқ қилади.

Ушбу мақола матн лисоний структураси асосида юзага келадиган стилистик функция ҳақида сўз юритилади, мазкур матнда ҳамма сатҳлар элементлари шакл ва мазмунга эга бўлган икки томонлама бирликлар сифатида ўзаро муносабатда бўладилар. Стилистик функцияни амалга оширишда лисоний бирликларнинг эмоционал, экспрессив ва баҳолаш коннотациялари катта роль ўйнайди.

Шу жиҳатдан қараганда, илова конструкциялар салмоқли бадий тасвир имкониятларига эга: улар жуда нозик маъно ва экспрессивлик хусусиятларини етказиб бериш қобилиятини намоён қилади. Масалан, илова конструкциялар ифодага алоҳида ўзига хос экспрессия (таъсирчанлик) – шиддат, кескинлик бериш имкониятини яратади. Масалан:

Manchmal bog sich ein Ast von dem Schnee. Und der rutschte dann zwischen den

schwarzblauen Zweigen zu. Und seufzte dabei. Ganz leise. Vorne mal links. Denn hier. Da auch. (Hofe Günter 1976, S. 273).

Илова конструкциялар ажратиб кўрсатилганлиги сабабли асосий ифоданинг бўлаклари (қисмлари)га қараганда кўпроқ маъно юклагасига эга бўлади. Шу ўринда илова конструкцияларнинг у ёки бу ёзувчиларнинг асарларида қўлланишининг ўзи стилистик ҳодиса эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Шунингдек, илова конструкция таркибида келадиган иловали элементларнинг стилистик функциялари ҳақида олимларнинг фикр-мулоҳазаларини келтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу жиҳатдан А.Г.Семенованинг илмий хулосалари муҳим аҳамият касб этади, у илова конструкциялар таркибида келган иловали элементларнинг стилистик хусусиятларини тадқиқ қилиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: “Иловали элементлар – бу матн доирасидаги тушириб қолдирилган ва муҳим семантик салмоққа эга бўлган компонентларни қайта тикловчи стилистик фигуралардир” [Семенова 1983: 22].

Машҳур тилшунос Е.А.Реферовская Н.Г.Семенованинг ушбу фикр-мулоҳазаларини янада тўлдиради, у француз тили материаллари асосида илова конструкциясини ўрганиб, илова ҳодисаси ҳақида қуйидаги мулоҳазаларни келтиради: “илова ҳодисаси – бу ўз табиати билан стилистик ҳодисадир. Чунки француз ёзувчиларидан кўпчилиги ўз асарларида бу синтактик бирликлардан содир бўлган бу воқеа-ҳодисаларни китобхонга етказишда, уларнинг таъсирчанлигини, бадийлигини етказиб беришда кенг фойдаланганлар, бошқача



қилиб айтганда, бу ҳодиса кўринишлари Францияда содир бўлган иккала уруш арафасида яратилган француз адабиётидан кенг ўрин олган” [Реферовская 1983: 15-16].

Илова конструкциянинг компонентлари – иловали элементларнинг стилистик функциялари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни яна бошқа илмий-тадқиқот ишларида ҳам учратиш мумкин. Тадқиқотчи Г.В.Ким рус тили материаллари асосида ушбу ҳодисани тадқиқ қилиб, қуйидаги мулоҳазаларни билдирган: “Иловали элементлар матн доирасидан туширилиб қолдирилган компонентларни маълум бир қоида ёки норма талаби билан эмас, балки эркин ҳолатда тўлдириб келувчи омилдир” [Ким 1965: 168].

Г.В.Ким бу соҳадаги тадқиқотларини давом эттириб, оғзаки нутқ жараёнида ҳосил бўлаётган иловали элементлар ва ёзма нутқда қўлланадиган иловали элементларга эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлайди: “ёзма нутқда иловали элементлар кутилмаганда, тўсатдан фавқулудда пайдо бўлмасдан, балки аниқ стилистик мақсадни кўзлаб вужудга келади, ёзувчилар тасвирлаётган воқеа-ҳодисаларнинг таъсирчанлигини, экспрессив моҳиятини кучайтириш мақсадида ана шундай синтактик бирликларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади” [Ким 1965: 171].

Кейинги йилларда немис тилшунослигида илова ҳодисаси синтактик алоқанинг ўзига хос тури [Турсунов 1993] эканлиги, немис ёзувчилари ижодида илова ҳодисаси [Ахмедова 1998], турли гап бўлақлари билан ифодаланган иловали элементларнинг функциялари [Бегматов 1999] масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Илова конструкцияларининг стилистик ҳодиса эканлиги Б.М. Ахмедованинг “Лион Фейхтвангер ижодида илова ҳодисаси” номли [Ахмедова 1998: 187] номзодлик диссертациясида ўз ифодасини топди.

Немис ёзувчиси Л.Фейхтвангер асарлари устида Б.М. Ахмедова томонидан олиб борилган илмий кузатишлар

натижасида қуйидаги хулосаларга келинди: “... феъл кесим формаси ёрдамида ифодаланиб келган илова конструкциясидаги иловали элементларнинг ёйилиш даражаси ушбу соҳада мавжуд бўлган айрим хулосаларга қисман ўзгартириш, тўлдириш киритишга олиб келади. Демак, иловали элементларнинг қандай гап бўлақлари ёки гап турлари ёрдамида ифодаланиб келишидан қатъи назар, қай даражада ёйилиши фақатгина ёзувчининг индивидуал услуби билан белгиланади. Индивидуал услуб иловали элементларнинг юзага келишида таъсир қилувчи омиллар ичида асосий ва ҳал қилувчи ҳисобланади” [Ахмедова 1998: 165-166].

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, немис тилида илова конструкция таркибида келган иловали элементларнинг баъзи бир стилистик функциялари устида тўхталиб ўтамиз. Айтиш жоизки, иловали элементларнинг функциялари орасида стилистик функцияси алоҳида ўрин эгаллайди. Иловали элементлар ўзларига хос бўлган стилистик функцияларни ҳар хил шаклларда ҳосил қиладилар, матннинг хилма-хил композицияларда шаклланиб келиши учун асосий омил сифатида намоён бўлади.

Илова конструкция таркибидаги иловали элементларнинг стилистик функцияларини қуйидаги ҳолатларда кузатиш мумкин:

1. Иловали элементнинг конструкция охирида яқка ҳолда келиши:

“Entschuldigen Sie! Endymion war eine entscheidende Etappe für mich. Für meine Arbeit” (Krupkat Günter 1967: 79).

Ушбу мисолда берилган иловали элемент “Für meine Arbeit” ёрдамида бутун матнга, унинг мазмунига яқун ясалади, чунки иловали элемент томонидан билдириляётган қўшимча маъно қисқа ифодаланган бўлса ҳам мазмун салмоғи жиҳатидан жуда муҳимдир.

2. Баъзи ҳолларда илова конструкция таркибида айрим



компонентларнинг ўз ўрнида келмаслиги ёки тушириб қолдирилиши унинг стилистик функцияси янада таъсирчан бўлишини таъминлайди:

“Für etwas anderes” stieß Berndt hervor in Englisch und Deutsch, für was ganz anderes.

... eine andere Zukunft. ... unsere Kinder... (Engers Paul 1977: 43).

Ушбу мисолдан кўришиб турибдики, бирон-бир компонентнинг тушириб қолдирилиши илова конструкциянинг бошқа компонентлари маънолари билан доимо тўлдириб турилади.

3. Илова конструкция таркибидаги иловали элементларнинг турли маъно кучайтирувчи юкламалар (sogar) билан бошқарилиши стилистик хусусиятни намоён этади:

“Das ist nicht zum Lachen, mein Lieber. Da steckt was dahinter. Der Klub ist schon ganz verrufen. Sogar bei der Polizei” (Selbmann Fritz: 15).

4. Баъзи сўзларнинг такрорланиб келиши ҳам маълум стилистик вазифани бажариб келади:

Адабиётлар

1. Ахмедова Б.М. Лион Фейхтвангер ижодида илова ҳодисаси. Номзодлик диссертацияси.- Самарқанд. 1998 й. -187 б.
2. Валгина Н.С. Присоединительные конструкции в современном русском языке. М.: “Высшая школа”, 2004.
3. Ваулина Т.Л. Роль лексического повтора в присоединительных конструкциях. Наука – вуз – школа. Сб. научн. труд. молодых исследователей. –Магнитогорск: МаГУ, 2010. –Вып. 15. –с. 182-186.
4. Ким Г.В. О некоторых стилистических функциях бессоюзного присоединения. Филологический сборник. Вып. IV. Алма-Ата, 1965. –с. 168-175.
5. Крот О.Н., Рослякова Е.Ф. Присоединительные конструкции в современном немецком языке. Научные ведомости Белгородского университета кооперации, экономики и права. Серия гуманитарных наук. 2013. №20 (163). Выпуск 19. с. 105-110.
6. Мойсейчук Я.К. Синтаксические структуры актуализации в современных германских языках: на материале английской и немецкой диалогической речи. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Санкт-Петербург 2004. -182 с.
7. Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста. Л., 1983. -215 с.
8. Семенова Н.Г. Роль стилистического приёма “аллогического” присоединения в интеграции текста. Сб. научных трудов Мос. гос. пед. ин-та. ин. яз. им. М.Тореза. 1983. –с. 219-232.
9. Сидорова Е.Г. Место присоединительных предикативных конструкций в синтаксической системе современного русского языка. Вопросы филологии. Спецвыпуск: VI Междунар. Научн. Конф. “Язык, культура, общество”, 2011. –с. 18-19.

“Nie zwar meinte sie ähnlich Schöne, in ihrem tiefen Dunkel so auf leuchtende Augen gesehen zu haben.

Nie eine solche Stirn. Nie eine so klangvolle, so unmittelbar zum Herzen sprechende Stimme” (Hofe Günter: 241).

Хулоса қилиб айтганда, келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, иловали элементларнинг стилистик функциялари илова конструкция таркибида соддалик, синонимлик, мураккаблашиш, кетма-кетлик каби муносабатларни ифодалаб қолмасдан, асар қахрамонларининг психологик ҳолатини, ҳис-туйғуларини, ички кечинмаларини, шодлик ва қайғулик кайфиятларини тасвирлашда муҳим роль ўйнайди. Иловали элементларнинг стилистик функциялари хилма-хил, ранг-баранг характерга эга бўлиши унинг бошқа функцияларини конкретлаштириб, тўлдириб, реаллаштириб келишга хизмат қилади.



Бадий адабиётлар

1. Elgers Paul. Jungfrau Johanna. Zweiter Verlag und Epilog. Greifen Verlag zu Rudolstadt. 1977, -425 S.
2. Hofe Günter. Roter Schnee. Verlag der Nation. Berlin, 1976, -512 S.
3. Krupkat Günter. Als die Götter starben. Verlag Das neue Berlin, 1967, -287 S.
4. Selbmann Fritz. Die Söhne der Wölfe. Mitteldeutscher Verlag Halle (Saale), 1971, -597 S.

Мамасолиев И. Стилистические функции присоединительных элементов в составе присоединительных конструкций немецкого языка. Данная статья посвящена исследованию стилистических функций присоединительных элементов в составе присоединительной конструкции немецкого языка. Опираясь на результаты исследований ученых-языковедов в этой области, проанализированы некоторые стилистические функции присоединительных элементов в немецком языке на основе примеров из художественной литературы. В статье подчеркивается главенство стилистической функции среди прочих.

Mamasoliev I. Stylistic functions of the connecting elements in the connecting structures of the German language. This article is devoted to the study of the stylistic functions of connecting elements in the connecting structure of the German language. Based on the research results of linguistic scholars in this sphere, some stylistic functions of connecting elements in the German language are analysed on the basis of examples from fiction. The main place of the stylistic function among other functions is emphasized.